

## **Буюк алломаларимиз таълимотларида инсон ва табиат муносабатлари масалалари**

Катта ўқитувчи С.Кистаубаев

Айтиш жоизки, Мовароуннаҳр ва қадим Туркистонда яшаб ўтган алломаларимиз ва давлат тепасига келган, нуфузли хукмдорларнинг аксарияти табиатга ҳамиша оқилона муносабатда бўлганлар. Улар ўз таълимотларида табиатни асраш, ер, сув, ҳаво каби унсурларни тоза сақлаш, уларни келажак авлодга бус-бутун ҳолда етказиш тўғрисида ўз фикрларини баён этганлар..

Соҳибқирон Амир Темур ҳар доим мамлакатда кўлга киритилган ерларда биринчи навбатда ободончилик, ерларни ўзлаштиришга катта эътибор берган. Соҳибқирон кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирганларни ёки бирор боғ кўкартирганларни рағбатлантирган. “Темур тузуклари”да янги ўзлаштирилган ерлардан “биринчи йили ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили ундан раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса қонун қоидага мувофиқ хирож йиғсин”<sup>1</sup>, -деб таъкидланади.

Соҳибқирон Самарқандда 12 та боғ яратадики, уларнинг ҳар бири ўзига хос табиий муҳитга эга бўлиб, иқлимига, ерига, номига ғоят катта эътибор берилган.

Амир Темурнинг табиатга бўлган ихлосмандлиги хусусида унинг саройида фаолият кўрсатган Испания элчиси Луи Гонсалес де Клавихо Боғидилкушодда Соҳибқирон қабулини хотирлаб ёзади: “Якшанба куни эрталаб вакилларни бу боққа таклиф этишди. У девор билан ўралган. Боғда лимон ва цитрус ўсимликларидан ташқари турли мевали дарахтлар кўп, олтита ҳовуз бутун боғ бўйлаб ўтади... Боғда подшо буйруғи билан келтирилган кийик ва қирғовуллар бор эди”<sup>2</sup>.

Амир Темурнинг бу амалий фаолиятлари ҳар бир шахснинг табиат гўзаллигидан баҳра олиш туйғусини уйғотиши билан бир қаторда кишиларда

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари.- Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, Б-47

<sup>2</sup> Руи Ганселес деКлавихо. Дневник путешествия в Самарканд по дворцу Темура. Москва, 1989, С-10

соҳибқироннинг ибрати мисолида экологик дунёқарашни бойитиб боришга эҳтиёжмандликни юзага келтириши табиий.

Хассос шоир, улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг табиатга ўзгача меҳри, ундаги ҳис туйғулар у яратган асарларнинг деярли ҳар бирида ўз мужассамини топган.

Алишер Навоий табиатга ёки бирон-бир жонзотга хиёнат қилишни дўстга хиёнат қилишдек қоралаган. Унинг асарларида ерни ризқ-рўз берувчи манба сифатида улуғлаш, ерга ишлов берувчи деҳқон меҳнатидан ҳамма тирик жон баҳраманд бўлиши ҳақида ўз фикрини қуйидагича ифодалайди:

“Деҳқонки, ҳалол меҳнат билан дон санчади ҳақ бир донни етти юзга етказди. Сочган дони кўкаргунча, уни ўриб, ҳирмон қилиб ҳосил кўтаргунча курт-кушлар ундан баҳраманд, дашт ваҳшийлари унинг билан хурсанд. Чумолилар уйи ундан обод: кўнгил ундан шод. Кабутарлар мастлиги-ю, тўрғайларнинг шўх навоси шу донлардан...”

Фуқаролар ризқ-рўзи, ғарибларнинг куч-қуввати дон биландир”<sup>3</sup>.

Унинг фалсафий таълимотига кўра Худонинг зухуроти сифатида вужудга келган борлиқнинг кўрки, гўзал ва ободлиги инсон туфайлидир. Зотан Аллоҳнинг оламини яратишдан асл мақсади ҳам мана шу инсондир. “Бутун оламини яратишдан мақсад, - дейди шоир, - инсон бўлиб у ҳамма мавжудот ичида тенги йўқдир. Инсон кўнглини турли билимлар хазинаси қилди ва бу тилсим ичида Тангри ўзини яширди. Инсоннинг ажойиб жисми бир махфий сир хазинаси ўлароқ, ўзида ана шу ганч тилсимини сақлайди. Бу тилсим жон бўлиб, у ўша хазинада туради ва унга посбонлик қилади”<sup>4</sup>.

Алишер Навоий қарашларида меҳнатга оқилона муносабат асосида табиатга фаол таъсир ўтказиш баробарида, унинг бойликларини асраш, юксак инсонийликка хос экологик идрок, дунёқараш, тафаккур ва ҳис-туйғу ўз ифодасини топган.

---

<sup>3</sup> Қаранг. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр.: Т., Ғ.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1974, Б-97-98

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Лисон-ут-тайр. Т.: Ғ.Фулом нашриёти, 1991, Б-269

Атоқли давлат арбоби шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур табиатга нисбатан чуқур фалсафий мушоҳада юритиш билан бир қаторда амалда ҳам унинг фусункорлиги ва мусаффо ҳавосидан ўз ўрнида фойдалана билган. Унинг “Бобурнома” асарида Шарқдаги турли мамлакатлар, шу жумладан Афғонистон ва Ҳиндистоннинг тарихи социал-иқтисодий аҳволи, табиати, этнографияси, географияси ва тиббиёти ҳақида батафсил сўз юритилади. Айниқса, Фарғона ва Ҳиндистоннинг тоғлари, дарёлари, ўрмонлари, яйловлари, боғлари ҳақида аниқ ҳозирги замон талабларига мос далиллар келтирилган.

“Бобурнома”асари ўз илмий моҳияти, услубий раволиги, бадиий тимсолларга мўллиги ва она табиат гўзаллигини ҳис қилиш, авайлаб-асраш, бойлигига бойлик қўшиш каби ғоявий аҳамияти билан ҳам асрлар оша китобхонда табиатга меҳр-муҳаббат уйғонишга, шахс экологик онги, дунёқараши ва маданий савиясини оширишга беминнат хизмат қилиб келмоқда<sup>5</sup>.

Асардаги киши эътиборини ўзига тортадиган муҳим жиҳат шундаки, Бобур табиатнинг ҳар бир бўлаги, кўриниши, ундаги набобат ва ўсимликлар оламига ҳам ўта синчковлик билан қараган. Хусусан, у Афғонистоннинг Дашти Шайх қирлари этагида ўсувчи лоланинг 33 хилини аниқлаб, уни асарга киритган<sup>6</sup>.

Давлат ташвишларидан чарчаган, дилидаги эзгу орзу умидлари амалга ошмаганда руҳан эзилган Бобур ҳар замонда ёлғиз ўзи қолишни, гоҳида эса кўнгилтортар улфатлар билан табиат кўйнида истироҳат қилишни хуш кўрган. Айниқса Қобул шаҳри атрофидаги Ламғон, Гулбаҳор, Барон каби хушманзара ва хушхаво жойлар Бобурни ўзлигига қайтишига, дунё ташвишларидан холи бўлиб, ором олишга чорлаган, табиат гўзаллигидан баҳра олган шоирга шеър ва ғазал мисралари кўйилиб келган.

---

<sup>5</sup> Худойназаров С.Х. Шахс экологик онги ва маданиятини шакллантиришда бадиий Адабиётнинг роли. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент-2010, Б-26

<sup>6</sup> Бобур З.М. Бобурнома. Т.: Юлдузча, 1998, Б-124

Менинг кўнглимки, гул ғунчасидек, таҳ-батаҳ қондир,  
Агар юз минг баҳор ўлса очилмоғи на имқондир.<sup>1</sup>

Бу сатрлар инсоннинг табиат гўзаллигига ошиқлигидан, ҳар бир гиёҳи, тоғу тошидан завқ олишидан, ғаддор давр ҳамда ҳисобсиз бидъатлар қолдирган кўнгил ғуборини шу бемисол гўзаллик ифори ила поклаш туйғусидан яралган<sup>2</sup>.

Бобур ижодига юзаки бўлсада назар ташлаш унга ихлосманд ҳар бир бўлган шахсни бир ҳақиқатни, яъни инсоний фазилат ва нуқсонларни табиат борлигига дахлдор омиллар билан ташбеҳ қилиш ҳам нафосат билан миллий маънавий қадриятлар муштараклигида эканлигини англаб етишга ундайди.

XVII асрнинг иккинчи ярми – XVIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган юртдошимиз, илоҳиёт олими, мутафаккир ва шоир Сўфи Оллоёр ижодида ҳам табиат унсурлари том маънода маънавий, ахлоқий қадриятларнинг ўзаро уйғунлиги гўзал ташбеҳларда талқин этилган бўлиб, у шахс экологик дунёқарашини бойитишга ўзига хос тарзда таъсир этади.

Сўфи Оллоёрнинг чуқур фалсафий мушоҳадаси асосида табиат инъоми бўлган неъматлар билан инсон фазилатлари орасидаги мутаносибликни қиёсий таҳлил этиш туради.

“Тариқ эқмоқ тиласанг, - деб ёзади Сўфи Оллоёр, - кучингни лойиқ ерга сарф қилгил. Уруғни шўр ерга сочма. Шунга ўхшаб эзгулик қилганингда уни олимлар, сўфийлар ва илм ўрганувчиларга қаратгин. Золиму ёвузларга яхшилик қилма, ёвузларга эҳсон қилганинг шўр ерга дон сепганинг билан баробардир.

Билиб бер жойига кади йаминни,

Зироат айлама шўра заминни.

Ямон ерга ани сарф этма боре

Бўрининг йиртарига берма ёре<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> З.М.Бобур. Бобурнома.

<sup>2</sup> Қудратуллаев Х. Кўнгил гулининг бағридек қондир. // Тафаккур-2000, -Б. 76-77.

<sup>7</sup> Қаранг. “Рисолаи Азиза”- “Саботул ожизин” шарҳи. Т., Халқ мероси нашриёти Т-2000, Б-204

Ўзбек ва тожик халқларининг мутафаккири Ахмад Дониш карашларидаги ўзига хослик шундан иборатки, у инсонни табиатнинг махсули эканлиги, унинг оламга борлиқ ва табиатга муносабати ҳам ана шу нуқтаи назардан деган хулосадан келиб чиқиб тадқиқ этилган. “Инсон, - деб ёзади А.Дониш, - ер билан коинот орасида ўрин олган ажиб бир мавжудотдир. Агар у фикр қилса, бутун борлиқни фикр тоқчасига сиғдира олади, агар у хиёл қилса оламни хаёл қутичасига жойлай олади, агар унинг меҳри товласа бечора чумолини киприги устида асрайди, агар унинг ғзаби келса, йўлбарсни мушукча кўрмайди, агар унинг сахийлиги тутса, тўнини бировга бериб ўзи яланғоч қолади, агар унинг хасислиги ружу қилса кумурсқа оғзидаги донни талашади<sup>8</sup>.

Ахмад Дониш инсон ва табиат боғлиқлиги билан бевосита алоқадор бўлган воқелик мазмуни, йўналишларини ёритишда табиатдаги мавжуд жонзотларни мисол тариқасида келтириши унинг борлиқни чуқур фалсафий мушоҳада этиш баробарида унга ўзгача меҳр ва тийраклик билан қараганлигидан далолат беради.

Шахсда экологик дунёқарашни камол топтиришда жадид маърифатпарварларининг илмий-адабий меъроси ҳам алоҳида ўрин тутди. Жумладан жадидчиликнинг йирик намоёндаларидан бири Абдурауф Фитрат ўзининг ижодида табиат гўзаллигининг ўзига хос тимсолларини Ватан туйғуси орқали ифодалашга ҳаракат қилади. Ижодкорнинг ватанпарварлик туйғуси гўзал ифодаланган “Шарқ” шеърида бу хусусда қуйидагини ёзади:

Қардошларим мана сизга бир ўлка  
Ким топилмас ер юзида сингари  
Ҳар ёнида кенг, ям-яшил учмоқлар  
Жон сувидан етишгандир гуллари...<sup>9</sup>.

---

<sup>8</sup> Ахмад Дониш Наводир-ул воқас. Т.: 1984, Б-136

<sup>9</sup> Қаранг. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд. Т.: Маънавият, 2000, Б-37

Кўринадикки, бу шеърда Ватаннинг табиатан яхлит бир образи ифодаланган. Дунёда бу ўлкани гўзалликда ҳеч бир жой билан қиёс этиб бўлмайди. Зеро, унинг гуллари жон сувидан етилган. Ўнг сўлдан- ҳар ёнда кўркем, ҳайбатли тоғлар “ҳақ йўлида” курашга тайёр “урушувчи аскар”лардек саф тортиб ўраган. Гўё бу ўлкани парвардигорнинг ўзи ёрлақаб, тоғлар билан ҳимоя этади. Аммо ўлка “ҳар томонлама таланган”<sup>10</sup>.

А.Фитратнинг ушбу ғояларига ҳамоҳанг, айтиш мумкинки, унинг мантқиқий давоми сифатида Абулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ўзининг “Наврўз кунда” шеърда ўлканинг тутқинлиги истибдодда эканлигини табиат манзаралари ташбеҳи орқали кўрсатишга ҳаракат қилган.

“Наврўз кунда” шеърда бу ҳолат рамзий маъноларга бой тимсоллар билан тасвирлаб берилган. Унда баён қилинган фикрларга кўра совуқ қишнинг қақшатқич азоблари, аёзли кунлари-ю, қалин қорлари остида асир бўлиб ётган ер юзига Наврўз кун эрк беради, қувонч бахш этади.

Эътибор қилинса, совуқ қиш ва унинг қалин қорлари остида “асир” ер – бу оддий луғавий маъноларидан бошқа рамзий маънолари ҳам йўқ деб қим айта олади. Маълумки, қиш-асли ва кўпроқ шимолий ўлкаларга хос ва умуман, ерни қор босиши бу фаслнинг хусусияти, аммо “асир” ибораси мусулмон шарқи ўлкаларига бой ва гўзал ери босқиндалигини, қарамлигини кўзда тутмасмикан? Албатта, ана шу ҳолат ва маъно кўзда тутилганлиги эҳтимолдан йироқ эмас.

Чўлпоннинг “Кўклам келар” шеърда ҳам табиатга ўзгача туйғу билан ёндашилганлиги яққол кўзга ташланади.

Кўклам ойим йўлга чиққан, кўклам ойим кўзгалган,

Кўк кўйлакнинг битишига унча ҳам кўп қолмаган.

Тиниқ ҳаво... Кўк юзида оппоқ, харир пардадек,

Оқ булутлар унда бунда ёйилганлар паришон<sup>11</sup>.

---

<sup>10</sup> Азизов Ш., Азизова С. Маърифатпарварлик-ижтимоий маданий ҳодиса. Т.: Abu matbuot konsalt”, 2008, Б-149

<sup>11</sup> Қаранг: Ахмад Алиев Истиқлол ва адабий мерос. Т., «Ўзбекистон», 1997, Б-169

Юқорида келтирилган далилларга таяниб айтишимиз мумкинки, Шарқ, хусусан ўзбек халқи маънавий мероси, тарихи ҳамда қадриятларида шахс экологик дунёқарашини шакллантириш ва бойитиб боришга хизмат қиладиган илмий, диний, бадиий ҳамда фалсафий ғоялар ҳамда маънавий-маърифий, ахлоқий асосларни кўплаб топиш мумкин.

Аждодлар тарихий тажрибаси шуни кўсатадики, шахс экологик онги ва дунёқарашини шакллантиришда миллий маънавий мерос ва қадриятларнинг ролини ошириш учун зарур шарт-шароитларни, имкониятларни, усул ва воситаларни яратиш, ўз маънавий дунёси мазмунини бойитишга интиланлар. Ана шу тамойиллар моҳиятидан келиб чиқиб бугунги кунда ҳам шахс экологик дунёқарашини бойитишда тарихий мерос ва миллий қадриятлардан узлуксиз фойдаланиш ва уларни амалий ҳаётга, авлодлар таълим тарбиясига сингдириб бориш зарур.

Юқоридаги таҳлиллар асосида қуйидагича хулосага келиш мумкин.

1. Турли тарихий даврларда шахс экологик дунёқарашига сезиларли таъсир ўтказувчи афсонавий ҳамда диний-мистик ғояларни синтезлаш ва ундаги илғор ғояларни кишилар руҳиятига сингдиришнинг илмий-назарий ҳамда амалий-услубий асосларини мустаҳкамлаб бориш.

2. Ислон қадриятлари, унинг манбаларидаги табиат ва атроф муҳит мусаффолигини сақлашга доир илоҳий таълимотларни миллий менталитетимиз талаблари асосида оммалаштириш шахс экологик дунёқарашини юксалтиришдаги алоҳида ўрнини узлуксиз илмий таҳлил этиб бориш.

3. Шахс экологик онги ва дунёқарашини бойитишда ўтмиш мутафаккирлари илмий ижодий меросидан фойдаланишнинг тарихий генезисини ва ижтимоий асосларини тадқиқ этиш.

4. Шарқ уйғониш даврининг илмий-ижодий кашфиётлари шахс экологик дунёқарашини юксалтиришнинг табиийлик, бадиийлик ва маънавийликнинг ўзаро уйғунлиги тизимида таҳлил этишга жиддий эътибор қаратиш.

5. Жаид маърифатпарварларининг экологик дунёқарашга доир қарашларини миллий қадриятларимизнинг муҳим таркибий қисми сифатида ғояларни илгари сураётган олимлар, тадқиқотчиларнинг назарий қарашларини қиёсий таҳлил этиш ва улардан амалий ҳаётда фойдаланишга эришиш зарур.